

Пойтахтимиздаги «Ракат» ва «Ал-Бадр» жоме масжидларига ташриф



14:21 / 08.09.2021 3008

Бугун 8 сентябрь куни Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров Тошкент шаҳри Миробод туманида янгидан қурилаётган «Ал-Бадр» ҳамда Яккасарой туманида қад ростлаётган «Ракат» жоме масжидларига ташриф буюрди.

Қурилиш жараёнларини кўздан кечирган Нуриддин домла ўзларининг зарур тавсия ва маслаҳатларини бериб, усталар, қурувчилар билан суҳбатлашди.

Масжид – Аллоҳ таолонинг уйи. Уни фақат ояти каримада айтилганидек: **«Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охираат кунига имон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина қўрққан кишилар обод қилурлар. Айнан ўшалар**

ҳидоят топувчилардан бўлишлари мумкин» (Тавба сураси, 18-оят).